

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ**

2024 йил 17 октябрь куни Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи вилоят суди судьяси А, ҳайъат судьялари А ва Адан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Снинг котиблигида, прокурор А, судланувчи Хнинг ҳимоячиси Х, жабрланувчи Хнинг иштирокида, жиноят ишини судланувчи Хнинг кассация тартибидаги шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2024 йил 2 июлдаги ҳукмига кўра,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Х ҳисобидан жабрланувчи Х фойдасига даволаниши учун сарфланган жами 33.038.075 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Х 2024 йил 29 март куни соат 16:30ларда Фориш тумани “Эгизбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган “Жиззах-Фориш-Қизилча” 4P36 автомобиль йўлининг 36-километрида ўзига тегишли бошқарувидаги “Нексия 3” русумли 25 х 16 х 16 давлат белгили автомашинани Фориш йўналишида “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандида, йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл

ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги кераклиги, 73-бандида, ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани сақлаши кераклиги, 77-банди 1-қисмида, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасининг тезлигини белгиланганидан оширмаслиги кераклиги, 77-банди 2-қисмида, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариши учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги ҳақидаги талабларга зид равишда бошқариб келиб, Хнинг бошқарувидаги “М412” русумли Х давлат белгили ва Х бошқарувидаги “Матиз” русумли Х давлат белгили автомашиналарнинг ҳаракатига хавф туғдириб, ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси билан тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани сақламасдан, бошқарувидаги автомашинанинг олд ўнг бурчаги билан ўзидан олдинда Фориш йўналишида ҳаракатланиб келаётган “М412” русумли Х давлат белгили автомашинанинг орқа чап томон бурчагидан уриб юбориб, сўнг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб кетиб, бошқарувидаги автомашина олд томони билан Жиззах йўналишида ҳаракатланиб кетаётган “Матиз” русумли Х давлат белгили автомашинанинг олд томонига тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган. Натижада, “Матиз” русумли Х давлат белгили автомашина ҳайдовчиси Х ва мазкур автомашина йўловчиси Хга ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати, “Нексия 3” русумли 25 х х6х Ғх давлат белгили автомашина салоида бўлган йўловчи вояга етмаган Хга соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати, “Матиз” русумли Х давлат белгили автомашинасига 14.763.000 сўм ва “М412” русумли Х давлат белгили автомашинасига 2.219.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 9 апрелдаги 695-сонли хулосасида, Хнинг танасидаги бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия енгил даражали лат ейиши, бурун суягининг ёпиқ силжиб синиши, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, катта чарви, чамбар ичак тутқичи, қорин парда орти гематомаси, ичак тутқичи йиртилиши, гемоперитониум, ўнг томонлама 3, 4, 5-кафт суякларини синиши, ўнг тизза соҳасида йиртилган жароҳати, посттравматик шок 1-2-даражаси, кўкрак қафаси ва қўл оёлари юмшоқ тўқималари эзилиши, ўнг елка, ўнг оёқ 1-бармоқ соҳалари қонталашлари ҳаракатланиб келаётган авлоуловнинг салои ичидаги қаттиқ тумтоқ жисмларга автоҳалокат туфайли урилиши натижасида етказилганлиги, етказилиш муддати 2024 йил 29 мартга тўғри келиши, оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 апрелдаги 893-сонли хулосасида, Хнинг танасидаги бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, иккала сон суяклари ёпиқ синиб силжиши, юз, чап болдир соҳасидаги урилиб йиртилган жароҳатлари ҳаракатланиб келаётган авлоуловнинг салони ичидаги қаттиқ тумтоқ жисмларга автоҳалокат туфайли урилиши натижасида етказилганлиги, етказилиш муддати 2024 йил 29 мартга тўғри келиши, оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 23 апрелдаги 800-сонли хулосасида, вояга етмаган Хнинг танасидаги ўнг ва чап тизза сидирилган жароҳати, чап қўл 1-бармоқ лат ейиши ҳаракатланиб келаётган авлоуловнинг салони ичидаги қаттиқ тумтоқ жисмларга автоҳалокат туфайли урилиши натижасида етказилганлиги, етказилиш муддати 2024 йил 29 мартга тўғри келиши, оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган энгил тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

“Ozod Osiyo baholash markazi” МЧЖнинг 2024 йил 26 апрелдаги 154-сонли баҳолаш маълумотномасида, “M412” русумли Х давлат белгили автомашинага етказилган моддий зарар миқдори 2.219.000 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

“Ozod Osiyo baholash markazi” МЧЖнинг 2024 йил 26 апрелдаги 441-сонли баҳолаш ҳисоботида, “Матиз” русумли Х давлат белгили автомашинага етказилган моддий зарар миқдори 14.763.000 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

Судланувчи Х шикоятда, биринчи инстанция судининг жабрланувчи Хга ундирилиши белгиланган моддий зарарга оид қисмидан норози эканлиги тўғрисида важлар келтириб, суд ҳукмининг Хга ундирилиши белгиланган зарар қисмини бекор қилишни сўраган.

Кассация инстанцияси суди, судья Анинг маърузасини, прокурор Анинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи Хнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги, жабрланувчи Хнинг суд ҳукмини кучида қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Хнинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб, қонуний тўхтамга келган.

Хусусан, Хнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар, транспорт воситаларини техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш ҳақидаги баённомалар, судга оид транспорт-трасалогия ва автотехника экспертизасининг 2024 йил

13 апрелдаги 262-сонли хулосасида, тўқнашувнинг дастлабки вақтида “Нексия 3” русумли 25 х х6х Fx давлат белгили автомашинанинг олд зарбқайтаргич қисми “M412” русумли X давлат белгили автомашинанинг орқа зарбқайтаргич қисмига теккан бўлиб, бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 0+-3 даража атрофида бўлганлиги, тўқнашув вақтида “Нексия 3” русумли 25 х х6х Fx давлат белгили автомашинанинг олд зарбқайтаргич қисми “Матиз” русумли X давлат белгили автомашинанинг олд зарбқайтаргич қисмига теккан бўлиб, бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 177+-5 даража атрофида бўлганлиги, кўздан кечириш давомида “Нексия 3” русумли 25 х х6х Fx давлат белгили автомашинанинг ишчи тормоз тизими соз ҳолатда бўлганлиги кўрсатилганлиги, суд-тиббий экспертизаси хулосалари, баҳолаш ҳисоботлари, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Судлов ҳайъати, судланувчи Хнинг шикоятдаги, биринчи инстанция судининг жабрланувчи Хга ундирилиши белгиланган моддий зарарга оид қисмидан норози эканлиги, суд ҳукмининг Хга ундирилиши белгиланган зарар қисмини бекор қилиш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадор деб эътироф этди. Шунингдек, суд ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб ҳисоблади.

Биринчи инстанция суди ҳукмининг тавсиф қисмида, Хнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, унинг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериш билан бир қаторда унинг айбини исботлашга, жиноятнинг квалификациясига ва жазо тайинлашга алоқадор бўлган кўрсатувларини акс эттириб, далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддасига асосан ҳуқуқий баҳо бериб, суд терговини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-448-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда олиб борган.

Судда сўралган жабрланувчи Х, 2024 йил 29 март куни Фориш тумани “Эгизбулоқ” маҳалласига дугоналари билан учрашиш мақсадида борганлигини, соат 16:30ларда “Оқтом” қишлоғидаги яшаш уйига қайтиб кетиш мақсадида Фориш-Жиззах автомобиль йўлига чиқиб, автомашиналарни тўхтатиш учун қўл кўтарганлигини, шунда “Матиз” автомашинаси келиб тўхтаганлигини, ҳайдовчидан “Оқтом” қишлоғигача олиб боришини сўраганлигини, ҳайдовчи рози бўлганлигини, “Матиз” автомашинасининг орқа ўнг ўриндиғига

ўтирганлигини, автомашина юрганидан кейин тахминан 3-4 дақиқа ўтиб, қарама-қарши томондан “Москвич” автомашинаси келаётганлигини кўрганлигини, унинг орқасидан оқ рангли “Нексия 3” автомашинаси жуда тез келаётган бўлганлиги сабабли тўхташга улгурмасдан “Москвич” автомашинасининг орқа чап бурчагига урилиб, сўнг улар кетаётган “Матиз” автомашинасининг йўлига чиқиб кетиб, автомашинанинг олд қисмига урилганлигини, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида иккала оёқлари ҳам синиб, оғир тан жароҳати олганлиги ва шу кунга қадар ҳаракатлана олмай даволанишда давом этиб келаётганлигини, бироқ “Нексия 3” русумли автомашина ҳайдовчиси Х унга даволаниш учун умуман ёрдам бермаганлиги ва кечирим ҳам сўраб келмаганлигини, шу сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни ва етказилган зарарларни тўлиқ ундириб беришни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи Х томонидан содир этилган йўл транспорти ҳодисаси натижасида Хга ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказиб, Хнинг ушбу тан жароҳатлари юзасидан шу кунга қадар сарф қилган харажатлари қуйидаги тўлов патталарига кўра:

Х Самарқанд вилоятидаги шифохонада даволанганлиги учун 24.898.107 сўм, дори-дармон учун 8.002.614 сўм, озиқ-овқат учун 137.354 сўм, жами 33.038.075 сўм тўловларни амалга оширган бўлиб, бу жиноят ишида мавжуд 71 дона тўлов патталари ва Республика ихтисослаштирилган травматология ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали томонидан берилган маълумотнома билан ўз тастиғини топади.

Шунингдек, кассация инстанция суди ҳимоячи Х томонидан судланувчи Х суд ҳукми эълон қилингандан сўнг биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолганлиги сабабли унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўзгартириб, бошқа енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги вазлари бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2024 йил 19 августдаги ажрими билан Фориш тумани ИИБ бошлиғини тақдимномаси қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2024 йил 2 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тайинланиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб келаётган маҳкум Хнинг ўталмай қолган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 75-моддаси 5-қисмига асосан жазони ўташдан озод қилинган.

Шунга кўра, кассация инстанция суди, судланувчи Хнинг шикоятда келтирган вазлари ва ҳимоячи Хнинг суд мажлисида келтирган вазлари асосиз бўлганлиги сабабли рад қилишни лозим топади.

Биринчи босқич суди Хга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига таяниб, вояга етмаган

жабрланувчи Х ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси йўқлигини, шу билан бирга қолган жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини, уларга етказилган зарарлар қопланмаганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб, қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Судлов ҳайъати, Хга нисбатан суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди, суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 509⁷, 509⁹, 509¹⁰ 509¹⁴ - моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2024 йил 2 июлдаги Хга оид ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи: **ИМЗО**

Ҳайъат судьялари: **ИМЗО**

ИМЗО

Аслига тўғри:

А